



СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ
ХОКИМЛИГИНИНГ ҚУРИЛИШ
БҮЙИЧА “ЯГОНА БУЮРТМАЧИ”
ХИЗМАТИ ИНЖИНИРИНГ
КОМПАНИЯСИ

НИЗОМИ

Ўзбекистон Республикаси
Сирдарё вилояти
Гулистон шахар хокимининг
2019 йил ____ рақамли
қарори билан рўйхатга олинди

“Тасдиқлайман”

Вилоят хокими
ўринбосари

Ж.Б.Ибрагимов



**Сирдарё вилояти хокимлигининг қурилиш
бўйича “Ягона буюртмачи” хизмати инжиниеринг
компанияси**

НИЗОМИ.

1. Умумий тартиб.

1.1. Сирдарё вилояти хокимлигининг қурилиш бўйича “Ягона буюртмачи” хизмати инжиниеринг компанияси (кейинчалик “Ягона буюртмачи”) вилоят Хокими қарори асосида ташкил қилинган бўлиб, бевосита маъмурий жихатдан вилоят хокимиятига бўйсинади.

1.2 Буюртмачи хизмати мустақил балансга, Ўзбекистон Республикаси давлат герби тасвири туширилган, ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга ва бурчак штампига эга юридик шахс хисобланиб, қуидаги манзилда жойлашган: Гулистон шахри Адолат кўчаси 30 – уй .

1.3. Компания ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишларига Вазирлар Махкамаси қарори ва фармойишларига, Вилоят хокимининг қарори ва фармойишларига хамда мазкур Низомга амал қиласди.

1.4 Буюртмачи хизмати марказлаштирилган манбалар хисобига қурилаётган объектлар қурилишини бошқариш ва техник кузатув функцияларини бажаради.

1.5. Компания объектлар бўйича, пудратчилар билан танлов савдолари натижаларига асосан ва қонун хужжатларига мувофиқ объектларни фойдаланишга тайёр холда қуриш тўғрисида шартномалар тузади. Тузилган

шартномаларга мувофиқ ўз ваколатига киравчи масалалар бўйича инвестиция жараёни қатнашчилари ишини мувофиқлаширади .
1.6 Компания Низоми вилоят хокими қарори билан тасдиқланади.

II. Буюртмачи хизматининг асосий вазифалари .

- 2.1. Ишлаб чиқариш қувватлари ва ижтимоий соҳа обьектларини мўлжалланган муддатларда фойдаланишга топшириш прогнозининг бажарилишини тъминлаш .
- 2.2. Лойиха ечимларининг самарадорлигини тъминлаш, архитектура ва шахарсозлик даражаси талабларига риоя қилиш .
- 2.3. Капитал қўйилмалар самарадорлигини ошириш, инвестиция цикли муддатларини қисқартириш .

III . Буюртмачи хизматининг асосий функциялари .

3.1. Прогнозлашириш :

- а) Вилоят хокимлиги, вазирликлар ва идораларнинг тошпириғига кўра уч йиллик даврда Республика Инвестиция дастурига киритилган лойихаларнинг параметрларини аниқлашириш, белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт Вазирлигига янги лойихаларни киритиш бўйича таклифлар киритиш .
- б) Тасдиқланган инвестиция дастурлари ва марказлаширилган манбалар хисобидан ажратилган лимитлар асосида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт Вазирлиги ва Молия Вазирлиги билан келишиш учун қурилишларнинг аниқ мўлжалли рўйхати лойихасини тайёрлаш .
- в) Пудратчи билан келишган холда қурилишнииг титул рўйхатини тасдиқлаш.
- г) Инвестиция лойихалари жойлашириладиган туманларда мухандислик коммуникацияларини ривожлантириш (йўллар, канализация, иссиқлик, электр, газ, сув тъминоти, телефонлашаштириш ва бошқалар) масалаларини кўриб чиқиш ва хал этишда иштирок этиш.

3.2. Лойихалаштириш :

- а) Лойихани ишлаб чиқиш учун бирламчи - рухсат берувчи хужжатларни ва танлов хужжатларини тайёрлаш, “лойиха” босқичида лойихалаштириш бўйича ишларга буюртма танлов асосида жойлаширишни ташкил этиш.
- б) Танлов савдоси ғолиби билан шартнома тузиш, лойиха хужжатларини бериш, календарь жадвалини келишиш :
- в) Тегишли ташкилотлар билан экспериментал, илмий текшириш, археология

ишлари ва бошқа ишларни бажаришга шартномалар тузиш ва шартнома мажбуриятларига риоя этишни назорат қилиш.

г) Лойиха ва танлов хужжатларини экспертизадан ўтказилишини, келишилишини, тасдиқланишини шунингдек экспертизанинг ваколатли органлари хulosалари хамда пудрат ташкилотларининг мулохазалари бўйича тегишли хужжатларга тузатиш ва қўшимчалар киритилишини ташкил этиш

3.3. Қурилиш майдонини тайерлаш :

а) Қурилиш бўйича майдон танлаш ва ажратишни белгиланган тартибда хужжатларни расмийлаштириш ва пудратчиларга бериш.

б) Қурилиш даврида шахарлар ва ахоли пунктларида газ, сув ва электр таъминоти бўйича хамда ўрмонни кесиш ва дaraohтлар ўтқазиш бўйича қонунда белгиланган тартибда пудратчи ташкилотларга рухсатномалар бериш .

в) Объект қурилиши худудидаги бино ва уй жойлар бузилиши ёки қайта таъмирланиши керак бўлган уйларда яшовчи фуқароларни қўчириш ва қонун хужжатларида назарда тутилган тартибда фуқораларнинг хусусий мулки бўлган турар жойлар, иморатлар, мевали дaraohтлар ва экинлар қийматини қоплаш.

г) Бузиладиган иморатлар ва иншоатлардан чиқадиган материалларни белгиланган тартибда сотилишини таъминлаш .

д) Объектларни Давлат архитектура-қурилиш назорати органларида рўйхатдан ўтқазиш. Шунингдек пудратчи ташкилотларнинг фаолият турига қараб лицензиялар, муалифлик ва техник назорат борлигини текшириш хамда қурилиш монтаж ишлари бажаришга рухсатнома бериш .

3.4 Қурилиш, молиялаштириш, хисоб ва хисобот.

а) Объектларни лойихалаштириш ва фойдаланишга тайер холда қуриш ишлари (хизматлари) ижроиларини танлаш бўйича танлов савдоларини ташкил этиш ва танлов савдоларининг ғолиблари билан белгиланган тартибда шартномалар тузиш .

б) Танлов асосида белгиланган шартномавий нарх асосида қурилишларнинг аниқ ва титул рўйхатларини тузиш . Ишлаб чиқариш қувватлари ва объектлар шартномага мувофиқ ўз муддатида топширилишини назорат қилиш хамда муддатидан олдин ишга туширилганда пудратчига бериладиган мукофот суммасини белгилаш .

в) Қурилиш объектларини жорий молиялаштириш учун молиялаштирувчи банкга зарур бўлган барча хужжатларни тақдим этиш.

- г) Бухгалтерия, тезкор ва статистика хисобини юритинг ва белгиланган тартибда тегишли органларга тақдим этиш.
- д) Курилишда банд бўлган пудрат, лойиха - қидиув ташкилотлари бажарган ишлар ва кўрсатган хизматлар учун тўловга тақдим этган хужжатларни текшириш ва белгиланган тартибда шартномага асосан хақ тўлаш шунингдек қурилиши тугалланган объектлар бўйича узил-кесил хисоб-китоб қилиш. Шартнома шартлари бажарилмаган тақдирда қонунда белгиланган тартибда жарима тўлаш тўғрисида даъво аризалари тақдим этиш .
- е) Объектлар қурилишини кузатиб бориш ва техник назорат қилиш.

3.5 Қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиш.

- а) Қурилиш нормалари ва қоидаларига бошқа амалдаги норматив хужжатларга мувофиқ қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олади. Шунингдек пудратчи ташкилотлар билан биргаликда қурилиши тугалланган объектлар бўйича давлат қабул қилиш комиссиясига зарур хужжатларни тақдим этиш.
- б) Фойдалнишга қабул қилинган объектларнииг ижро хужжатларини, ишчи ва давлат комиссиясинииг қабул қилиш тўғрисидаги далолатномаларини барча иловалари билан биргаликда фойдаланувчи органлар балансига бериш.
- в) Норматив хужжатлар талаблари бузилган ва лойиха хужжатлари ечимидан четга чиққан холда қурилган объектлар фойдаланишга қабул қилиб олинганлиги учун жавоб беради.

IV. Буюртмачи хизматининг хуқуқлари.

- 4.1. Буюртмачи ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича мулкчиликнинг барча шаклларидағи юридик ва жисмоний шахслар билан муносабатда вилоят хокимлиги ва ўз қарори билан ташкил этган корхона ва ташкилотларнинг манфаатларини ифода этади.
- 4.2. Ўзини ташкил этган органнинг топшириғига кўра янгидан бошланаётган қурилишлар ва қурилиши тугалланмагап объектлар бўйича буюртмачи функциясини бажаради ва ўзига берилган мол-мулқдан белгиланган тартибда фойдаланади .
- 4.3. Пудрат ишлари бозорида маркетинг тадқиқотлари ўтказади.
- 4.4. Объектларни лойихалаштириш ва қуриш бўйича ишларни бажаришга (хизматлар кўрсатишга) шартномалар тузади. Қонун хужжатларида белгиланган тартибда ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширади .
- 4.5. Компания ўз мажбуриятлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун Ўзбекистан Республикаси қонун хужжатларида тузилган шартномага мувофиқ ўзига тегишли барча мол-мулк билан жавоб

беради, унга амалдаги қонун хужжатларига мувофиқ ундирув каратилиши мумкин.

4.6. Компанияни ташкил этган орган мажбуриятларнииг таъминланиши учун унга Компания томонидан қабул қилинадиган шартнома мажбуриятларига teng бўлган гаровга қўйиладиган мол-мулкни ёки унга бўлган хукукларни бериши мумкин.

Y . Хўжалик фаолияти асослари .

5.1 Компания юридик шахс хисобланиб, алоҳида мол-мулкка эгалик қилади, мустақил баланс юритади . Компанияга хизмат кўрсатувчи банкда марказлаштирилган манбалар хисобига кўриладиган хар бир обьект бўйича алоҳида депозит хисоб рақамлари очади . Шунингдек ўз ходимлари билан хисоб- китоб қилиш , жорий таъминот ва бошқа харажатларга хақ тўлаш учун хисоб рақами очади .

5.2 Компания таъминоти вилоят хокимлиги томонидан тасдиқланган хамда белгиланган тартибда молия бошқармаси рўйхатидан ўтган харажатлар сметасига мувофиқ ажратилган давлат капитал кўйилмалари хисобига амалга оширилади .

5.3 Компанияга бириктирилган мол-мулк давлат мулки хисобланади.

5.4 Компаниянинг тузилмаси ва штатлар жадвали, лавозим маошлари схемаси, меҳнатга хақ тўлаш ва мукофотлаш тартиби вилоят хокимлиги томонидан тасдиқланади ва молия бошқармасида белгиланган тартибда рўйхатдан ўtkазилади. Компания таъминоти харажатлари обьектлар қурилиши қийматига киритилади.

5.5 Хўжалик юритувчи субъектларга кўрсатиладиган техник хизматлар ҳисобига шаклланган бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан 21-март Умумхалқ Наврӯз байрами, 1-сентябр Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни, 8-декабрь Ўзбекистон Республикасининг конституцияси қабул қилинган куни хамда Қурбон хайити байрамларида 1 ойлик иш хақи миқдоригача рағбанлантирилади.

VI. Компанияни бошқариш.

6.1 Компанияни бошқариш вилоят хокимининг буйруғи билан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган Директор томонидан амалга оширилади .

6.2 Вазифаларни тақсимлаш, ходимлар ўртасида ўзаро бир- бирининг ўрнини босиш хамда бош муҳосиб ва компания муовинини тайинлаш вилоят хокимлиги билан келишилган холда тайинланади.

- 6.3. Компания директори Компания фаолиятига раҳбарлик қилади ва Компанияга юкланган вазифалар бажарилиши учун шахсан жавоб беради . Тегишли ташкилотлар (корхоналар), шу жумладан хорижий ташкилотлар билан инвестиция лойихаларини амалга ошириш шу жумладан объектларни фойдаланишга тайер холда қуриш юзасидан шартномалар тузади. Қонун хужжатларига мувофиқ бошқа хукуқларга хам эга.
- 6.4. Пул ва мулкий тусдаги барча хужжатлар Компания директори ва бош бухгалтери томонидан имзоланади, муҳр билан тасдиқланади .

ҮII. Хисоб , хисобот ва компания фаолиятини назорат қилиш .

- 7.1. Компания давлат бюджет ташкилотлари учун белгиланадиган қоидалар бўйича бухгалтерия хисоби ва хисоботи, қонун хужжатларида белгиланган тартибда статистика хисоботи ва бошқа хисоботларни юритади. ✓
- 7.2. Компаниянинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш, текшириш ёки тафтиш қилиш қонун хужжатларида белгиланган тартибда тегишли назорат органлари томонидан амалга оширилади .

ҮIII. Компанияни қайга ташкил этиш ва унинг фаолиятини тўхтатиш.

- 8.1. Компания қонун хужжатларида белгиланган холларда ва тартибда қайта ташкил этилади ёки тугатилади .
- 8.1 Компания белгиланган тартибда давлат реестридан чиқарилган пайтдан бошлаб тугатилган деб хисобланади .

Компания директори



Ш.Б. Абдуллаев

2019 йил август ойининг йигирма иккинчи куни мен, Ўзбекистон Республикаси Сирдарё вилояти Гулистон шахар б-сонли давлат нотариал идорасининг нотариуси Эминов Рашид Алимбекович, ушбу Низомини ксеронусханинг хужжатнинг аслига тўғри эканлигини шаходатлайман.

Хужжатнинг асл нусхасида ҳеч қандай тозалашлар, ўчирилган сўзлар ёки шунга ўхшаш бошқа турдаги тузатишлар йўқлигига гувохлик бераман.

Қайдномага 20197660037 **52** рақами билан қайд этилди

Давлат божи 31220 (ўттиз бир минг икки юз йигирма) сўм ундирилди.
Хукукий ва техник тусдаги қўшимча хизматлар учун 39025 (ўттиз тўkkiz минг
йигирма беш) сўм ундирилди.



Р.А.Эминов.

ЖАМИ РАКАМНАНЫВ, ТИКЕН
БАЛАК МУХРЛАМ
Нотариус

